

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВА РАЪНА ФАХРИДИНОВНА**

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК,  
СИНТАКТИК ВА СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик ихтисослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

УДК: 811.112.1:811.512.133.1:87'1 (575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Бегматова Раъна Фахридиновна**

Немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик  
хусусиятлари.....3

**Бегматова Раъна Фахридиновна**

Семантические, синтаксические и стилистические особенности частиц в  
немецком и узбекском языках.....23

**Begmatova Rana Fakhridinovna**

Semantic, Syntactic and Stylistic Features of Particles in the German and Uzbek  
Languages .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВА РАЪНА ФАХРИДИНОВНА**

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК,  
СИНТАКТИК ВА СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик ихтисослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Fil.342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ризасев Баходир Хайдарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Дадабоев Хамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Наманган давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабр кuni соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» декабр кuni тарқатилди.  
(2020 йил «18» декабр даги № 21 рақамли реестр баённомаси).



**Г.Х. Боқиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Х. Б. Самнгова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

**Ж.А. Якубов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида инсон ва тил нисбийлиги омили, тилларнинг ўзаро алоқалари, лисоний ходисаларнинг моҳияти каби масалаларни тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Амалга оширилаётган тадқиқотлар тил омилига антропоцентрик ёндашув ва унинг лингвокультурологик аспектларини ёритишнинг таркибий қисми саналади. Шу сабабли ўрганилаётган тил тараққиёти доирасида кичик тил бирликларининг чоғиштирма тадқиқи, қардош бўлмаган тилларда лингвистик, миллий ва маданий хусусиятлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида ёрдамчи сўзлар табиатини замонавий лингвистиканинг янги ютуқлари билан боғлиқ равишда тадқиқ этишнинг аҳамияти тобора ошиб бориб, уларни семантик, синтактик, стилистик тадқиқи борасида Маннхейм, Франкфурт, Мерсин, Белгород, Владивосток университетларида замонавий тадқиқот усуллари асосида илмий изланишлар ва қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, периферик тил унсурлари саналган бирликларни ҳам тилшуносликнинг марказий объекти сифатида ёритиш ва бу борада хорижий тажрибаларни қўллаш ҳамда илғор қарашларни ижодий ўзлаштириш тенденциясини шакллантириш зарурияти мавжуд.

Республикамизда умумглобаллашув жараёнида немис тилини чуқур ўқитишга катта эътибор қаратилиб, илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тилларнинг ўзаро таъсири, лингвистик интерференция, тилларнинг лингвокультурологик аспектларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида “сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> каби вазифаларда белгиланган. Бунда турли тизимли ҳисобланган немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларни чоғиштириш тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юкламаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш масаласини ечиш ҳамда олинган натижаларни чет тилини ўқитиш методикасига татбиқ этиш ва хорижий тилни мукамал ўзлаштиришга замин яратиши билан аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони. 07.02.2017 – <https://lex.uz/docs/3107036> [муружаат санаси: 16.02.2020]

июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори ва яна бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация ишида чоғиштирма тилшунослик ривожига катта ҳисса қўшган: Е.Д. Поливанов, Д.Б.Буранов, Г.Х.Бакиева, М.Джусупов, М.Э.Умарходжаев, У.К. Юсупов, Ж.А.Якубов<sup>2</sup> ва бошқа қатор олимлар томонидан ишлаб чиқилган тилларни чоғиштирма ўрганиш жараёнида умумий қонуниятлар ва характерли хусусиятларни аниқлаш мезони ва тамойилларига асосланиб олиб борилган тадқиқот ишларига таянган ҳолда немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг лисоний хусусиятлари ёритилган.

Тилшуносликда ёрдамчи сўзларнинг лингвистик тадқиқи доирасида бир қатор олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган, жумладан, Й.Бейер, Г.Хелбиг, Х.Вейдт, Х.Алтманн, А.Вернер каби хориж олимлари ҳамда Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари тилшунос олимлари В.Адмони, А.Т.Кривоносос, Ю.П.Нечай, О.Базаров, У.П. Лафасов, Т.Ж.Олтиев, З. Исоқов, У.Э Раҳимов, А.Б. Пардаевлар<sup>3</sup> томонидан турли тизимли тилларда ёрдамчи сўзлар оиласига мансуб юкламалар турли аспектларда тадқиқ қилинган. Бироқ юкламалар немис ва ўзбек тиллари кесимида шу вақтга қадар етарлича чоғиштирма тадқиқот объекти сифатида таҳлилга тортилмаган, комплекс тарзда кўриб чиқилмаган ва илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти

---

<sup>2</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент, 1934. – 182 с.; Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М., 1983. – 367 с.; Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. – Москва: МГЛУ, 2012. – 120с.; Джусупов М.Д. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Тошкент: Фан. 1991. – 240 с.; Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – 133 с.; Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: ФАН, 1980. – 135 с.; Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари: филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2006. – 307 б.

<sup>3</sup>Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. – Ленинград: Наука, 1973. – 130 с.; Кривоносос А.Т. Структура языка и система неизменяемых классов слов: автореф. д-ра, филол. наук. Ленинград, 1974. – 53 с.; Нечай Ю. П. Семантико-синтаксические средства выражения эмоционально-экспрессивных значений частиц в немецком и русском языках: Сопоставительный анализ дисс. докт. филол. наук. Краснодар, 1999. – 465 с.; Helbig G., Helbig A. Deutsche Partikeln – richtig gebraucht? Leipzig, Langenscheidt, 1995. – 114 S.; Weydt H. Abtönungspartikel. Die deutschen Modalwörter und ihre französischen Entsprechungen. –Verlag Gehlen. – Berlin, 1969. – 127 S.; Altmann H.Gradpartikel-Probleme zur Beschreibung von *gerade, genau, eben, ausgerechnet, vor allem, insbesondere, zumindest, wenigstens*. TBL Verlag Gunter Narr Tübingen, 1978. – 171 S.; Werner A. Die deutschen Partikeln und ihre Entsprechungen im Japanischen. – 131 S. – Электрон манба: <https://d-nb.info/958556156/34>; Базаров О. Частицы в узбекском языке. Дисс.... канд. фил. наук. – М., 1983. – 193 с.; Базаров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1977. – №2. – Б. 24-28.; Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Филол фан. докт. дисс. – Тошкент, 2017. – 262б.; Базаров О. Частицы в узбекском языке: автореф. дисс. канд. наук. – Москва, 1983. – 23с.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишларининг “Таржима муаммолари” илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, таржима назарияси ва амалиёти факультетининг илмий режасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик хусусиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиш, тадқиқ мезонларини аниқлаш;

юкламаларнинг бажарадиган функцияларини таснифлаш;

немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг кўп маънолилиқ (полисемия) ҳамда синонимлик муносабатларига киришишини ёритиш;

немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш;

ушбу тиллардаги юкламаларнинг синтактик хусусиятларини таҳлил қилиш;

чоғиштирилаётган тилларда юкламаларнинг стилистик ўзига хослигини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** немис ва ўзбек тилларидаги бадиий матндаги юкламалар саналади.

**Тадқиқотнинг предмети** немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик аспектларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, чоғиштирма ва стилистик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

морфологик, семантик, синтактик, стилистик, прагматик, когнитив ва лингвомаданий тасниф асосида немис ва ўзбек тилларига оид юкламаларнинг алломорф ва изоморф хусусиятлари аниқланган;

чоғиштирилаётган тилларда юкламаларнинг семантик, аксиологик, суггестив, актуализатор, матн шакллантирувчи, эмоционал-экспрессивлик, модификаторлик, интерактивлик функциялари уларнинг маъно доирасини белгиловчи омил эканлиги исботланган;

юкламаларнинг синтактик муносабатга киришаётган ядроси билан биргаликда турли семантик, синтактик, стилистик, коммуникатив ва прагматик маъноларни ифодаловчи восита сифатида қўлланилиши асосланган;

немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг стилистик аспектда хушмуомалалиқ, мулозаматлилиқ, иззат, эҳтиром, сийлов каби функционал-изоморф хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар билан белгиланади:

немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг тадқиқ мезонлари аниқланди ва уларнинг функциялари таснифланди;

немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг маъно доираси ёритилди, кўп маънолилиқ (полисемия) ҳамда синонимлик муносабатларига киришиши ўрганилди;

юкламаларнинг грамматик хусусиятлари таҳлил қилинди;

чоғиштирилаётган тилларда юкламаларнинг услубий қўлланишидаги ўзига хослиги ёритилди;

немис ва ўзбек тилларида юкламаларининг функционал-семантик, грамматик ва стилистик жиҳатдан ўхшаш ва ўзига хослиги очиб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, уларни далилловчи маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тўпланган материаллар таҳлилининг илмий ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти немис ва ўзбек тиллари бадиий матнида семантик, синтактик ва стилистик аспектларда чоғиштирма лингвистика нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан олий таълим тизимида «Нутқ маданияти асослари», «Стилистика», «Лексикология», «Чет тили (немис)», «Ҳозирги ўзбек тили» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда, диссертация ишлари ва монографияларни ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиллар, хусусан, немис ва ўзбек тиллари юкламалари чоғиштирма тадқиқи натижаси асосида:

назарий жиҳатдан немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг тадқиқига оид морфологик, семантик, синтактик, стилистик, прагматик, когнитив ва лингвомаданий тадқиқи мезонларига доир илмий натижалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида олиб борилган ОТ – Ф8-062 сонли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги 89-03-2650 – сон маълумотномаси). Натижада, юкламаларнинг қўлланилишига доир виртуал ресурслар яратишга оид методик тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

немис ва ўзбек тилларида юкламалар аксиологик, суггестив, актуализаторлик, матн шакллантирувчилик, эмоционал-экспрессивлик, модификаторлик, интерактивлик ва семантик функцияларни бажариши уларнинг маъно доирасини белгилашига оид мезонларидан Тошкентдаги Гёте институти Немис маданияти маркази ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси” ҳамкорлигида бажарилган «Deutsch lehren lernen» халқаро лойиҳаси ва Бухоро давлат университети томонидан яратилган «Deutsch-usbekisches Wörterbuch» номли немисча-ўзбекча луғатни шакллантиришда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрь 89-03-4298 рақамли маълумотномаси). Натижада, мазкур луғат соҳага оид манба сифатида хизмат қилган;



немис тилини чет тили сифатида ўқитишда тушунилиши қийин бўлган юкламаларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг нутқда мавжуд бўлган дағаллик, кескинлик, қўполлик мазмунини юмшатадиган, ўзининг синтактик муносабатга киришаётган ядроси билан биргаликда келиб, турли синтактик, семантик, стилистик, коммуникатив ва прагматик функцияларни бажарувчи восита сифатида очиб беришга оид илмий хулосаларидан ИДТ-1-107 рақамли «Хорижий (француз, немис, испан) тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар ва мутахассис-филологлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминловчи, ўзбек реалияларини акс эттирувчи ўқув-услубий мажмуалар ва уларнинг электрон версиясини яратиш» мавзuidaги амалий лойиҳа доирасида яратилган «Deutsch integriert-1» номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 89-03-4298 – сон маълумотномаси). Натижада, маълумотлар дарсликнинг сифатини оширишга хизмат қилган;

немис ва ўзбек тилларида юкламалар сертакаллуфлик маркери эканлиги, инсон омили – барча жараёнларнинг диққат марказида туриши, юкламаларнинг услубий потенциали хушмуомалалик, ҳурмат категориясининг ифодаси сифатида ахборотни мазмунли узатиш омили эканлиги хусусидаги хулоса ва ечимлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт» дастурларининг 2019 йил сентябрь ойидаги сонлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг 2019 йил 24 сентябрдаги O‘z/R-04-25-1941 – сон маълумотномаси). Натижада, мазкур эшиттиришлар маънавий-маърифий ҳамда бадиий жиҳатдан бойиган, оммабоплиги, илмийлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий нашрларда, 9 таси республика нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 156 саҳифадан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ҳозирги замон тилшунослигида юкламаларнинг назарий жиҳатдан ўрганилиш асослари»** деб номланган бўлиб, унда ёрдамчи сўз туркумларидан бири саналган юкламалар жаҳон тилшунослигида эътироф этилган назариялар асосида таҳлил этилган.

Замонавий немис партикология<sup>4</sup>си фанида юкламаларнинг турли-туман таърифларини учратиш мумкин. Анъанага кўра, *юкламалар* термини лексик маънога эга бўлган сўзларга қарши қўйиладиган ва мазмунан мустақил сўзларга бирикадиган тил бирликларига нисбатан қўлланилади. Барча герман тилларида учрайдиган *партикель* сўзи лотин тилидан олинган бўлиб (лот. *particula*), умумий *бир бўлакча, қисмча* маъносини англатса-да, немис тилида кенг ва тор маъноларда қўлланилади: кенг маънода партикеллар сафига барча таркиби ўзгармайдиган сўзлар: равиш, боғловчи, кўмакчи (предлог); тор маънода эса, сўз туркуми сифатида юкламалар киритилади<sup>5</sup>.

*Партикель* терминига ўзбек тилида иккита атама: биринчидан, *ёрдамчи сўзлар*, иккинчидан эса *юклама* атамалари тўғри келади. Бизнинг чоғиштирма тадқиқотимиз предмети саналган юклама *юклагоқ* сўзидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан «транспорт воситаси ёки иш ҳайвони устига ортилган юк» маъносини англатса, кўчма маънода «кимсага бирор вазифа ёки иш топширма, ортмоқ» маъносини билдиради<sup>6</sup>. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, флектив тил саналадиган немис тилида юклама ҳодисаси жисмнинг катта-кичиклиги, яъни шаклига кўра номланган бўлса, агглютинатив саналадиган ўзбек тилида эса маъно жиҳати эътиборга олинган.

Гетероген гуруҳ саналадиган юкламалар туркумини таърифлашда ва умуман, уларнинг тадқиқида морфологик мезон дастлабки илк ёндашув сифатида катта аҳамиятга эга. Бинобарин, морфологик мезонга сўз туркумларига ажратишнинг асосий таянчи сифатида ғарб тилшунослигида XVIII асрдан бошлаб амал қилинади, сўз туркумлари ва уларнинг таснифи назарияси махсус соҳа сифатида шаклланди, ёрдамчи сўзларнинг ички бўлинишига илк қадамлар айнан морфологик мезон асосида қўйилди ва сўз туркумлари анъанавий равишда флексияга учрайдиган ва учрамайдиган гуруҳларга ажратилди.<sup>7</sup> Ўзбек тилида

<sup>4</sup> Weydt H. Methoden und Fragestellungen der Partikelforschung. In: Weydt H.(Hg.),1981. – S. 45.

<sup>5</sup> Admoni W. Der deutsche Sprachbau. Prosvesschenie. – Moskau, 1986. – S. 26.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 2-Том / З.М. Маъруфов таҳр. ост. – М.: Русский язык, 1981. – Б. 495.

<sup>7</sup> Hentschel E., Weydt H. Wortartenprobleme bei Partikeln. Herausgegeben von H.Weydt. Berlin, 1989. – Walter de Gruyter. 3-18 S. 5.

юкламаларга берилган таъриф синтактик мезон асосида шакллантирилган. Унга мувофиқ, маълум сўз, сўз бирлиги ёки бутун гапга тегишли бўлиб, алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзнинг қўшимча маъноларини билдирувчи ёрдамчи сўзлар *юкламалар* дейилади. Юклама деярли барча сўз туркумлари билан бирикиши мумкин, бироқ ўзи мустақил гап бўлаги вазифасида келмайди<sup>8</sup>.

Юкламалар – ўз атов маъносига эга бўлмаса-да, бошқа лексик ва синтактик бирликларга турли маъно жилосини берувчи, морфологик, синтактик, функционал-семантик, стилистик, прагматик, когнитив ва лингвомаданий хусусиятларга эга, аксиологик, суггестивлик, актуализаторлик, матн шакллантирувчилик, эмоционал-экспрессивлик, модификаторлик, интерактивлик ва семантик функцияларни бажарувчи, гапда модаллик ва ҳурмат категориясини ифодаловчи ёрдамчи сўз туркумидир.

Лингвистик изланишлар тадрижий такомиллашуви билан ҳамоҳанг тарзда юкламалар тадқиқи уйғун илдамлаб бораётганлиги кузатилади. Жумладан, немис тилшунослигида авваллари юкламаларнинг мавқеи услубшунос олимлар томонидан тан олинмасдан, периферик тил унсурлари саналиб, *кичик, ортиқча сўзлар* деб аталган бўлса (Füllwörter, Flickwörter, überflüssige Einschlebsel (Reiners, 1967, S.340),<sup>9</sup> бугунги кунга келиб эса, тилнинг чекка эмас, балки марказий объектларидан бири сифатида, айниқса, оғзаки нутқда муҳимлиги тан олиниб, юкламалар тадқиқотида «партикелбум» палласи авжига чиқди.<sup>10</sup> Юкламаларнинг стилистик хусусиятларини очиб бериш ҳозирги кунда уларнинг мулоқот актидаги коммуникатив вазифалари билан боғлаб ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, тил ҳодисаси турли нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши мумкин. Бу борада, Й. Майбауернинг қайд этишича, тилни назарий жиҳатдан ўрганувчилар шаклшунос (Formalisten) ва вазифашунос (Funktionisten) олимларга ажратилади. Шаклшунос олимлар тилни *ментал* ҳодиса сифатида тушунсалар, функционалист олимлар эса тилга, биринчи навбатда, *ижтимоий* ҳодиса сифатида ёндашадилар.<sup>11</sup>

Жумладан, тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида соф функционалигини ўрганиш ғарб олимлари томонидан лисоний тизим бажарадиган вазифаларнинг таснифи билан бошланган. Лисон табиатига хос вазифаларни фарқлаш масаласини ўз зиммасига олган олим олмон тилшуноси Карл Бюлер «Тил назарияси» асарида лисоннинг уч вазифаси ҳақида гапиради:

- 1) Darstellung (экспрессия);
- 2) Ausdruck (репрезентация);
- 3) Appell (апелляция).<sup>12</sup>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Карл Бюлер томонидан лисон вазифалари нафақат лингвистик, балки психологик таҳлил асосида таснифланган.

<sup>8</sup> Ўша манба. – Б. 58.

<sup>9</sup> Weydt H. Abtönungspartikel. Die deutschen Modalwörter und ihre französischen Entsprechungen. – Verlag Gehlen. – Berlin, 1969. – 45 S.

<sup>10</sup> Емельянова А.В. Темпоральные частицы в немецкоязычной рекламе: автореф. дисс.... канд. филол. наук.– Иваново, 2007. – С. 7.

<sup>11</sup> Meibauer J. Pragmatik. Stauffenburg. Verlag, Tübingen, 2008.– S. 3.

<sup>12</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 115.

Юкламаларнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг маъноси бошқачароқ тарзда баҳолашга, аслида, ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ киришилган бўлса-да, бу борадаги баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Жумладан, ўзбек тилида кўплаб ёрдамчи сўзлар семантик жиҳатдан нейтраллашиб, бошқа ёрдамчи сўз туркумига хос вазифага ихтисослашади (масалан, *билан* кўмакчисининг, *-у, -ю, -да, ҳам* юкламаларининг тенг боғловчига, *агар, башарти, балки* каби боғловчиларнинг юкламага ўтиши каби). Бунга асосланган ҳолда, А.Б. Пардаевнинг диссертациясида кўплаб мустақил сўзларнинг дискурсив сўзлар сифатида ёрдамчилик хусусиятлари шакллантирилганлиги туфайли *вазифадош юкламалар* хусусида фикрлар билдирилган.<sup>13</sup>

Юкламаларнинг семантикаси уларнинг функциялари ва қандай мақсадда қўлланилаётганида аён бўлади. Шу туфайли фақатгина ўз нутқида фойдаланаётган шахсина қайси юкламани қайси бир мақсадда қўллаганлигини идрок қила олади. Инсоннинг тилга бўлган таъсири шу ўринда кўринади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг функционал-семантик аспекти**» деб номланган. Мазкур бобда немис тилидаги юкламаларнинг функционал-семантик хусусиятлари уларнинг турли семаларни англатиб келиши ва бунда юкламалар кўп маънолилиқ (полисемия) ҳамда синонимлик муносабатларига киришишида ўз аксини топиши очиб берилган.

Немис тилида юкламалар семантик жиҳатдан бир нечта маъно қирраларини намоён қилади. Бу маъноларни бир қарашда илғаб олиш қийиндек туюлса-да, уларни контекст мазмунига кўра аниқлаш бирмунча қулайликлар туғдиради. Ушбу маънолар имплицитлиги билан ажралиб туради. Жумладан, юкламалар модал, даража, аниқлов, айирув-чегаралов, таъкид, хоҳиш-ирода, суггестив-ундов, умумлаштириш, пайт, хулоса, гумон-тахмин, талаб, эслатиш, огоҳлантириш, зидлов ва бошқа маъноларни воқелантиришга хизмат қилади.

Немис тили юкламаларининг функционал-семантик<sup>14</sup> хусусиятларидан бири уларнинг модал маъноларга ишора қилишидир. Бундай маънони англатадиган юкламалар сирасига қуйидагилар киради: *aber, allerdings, also, auch, bloß, denn, doch, eben, eigentlich, einmal, erst, etwa, gar, halt, immerhin, ja, jedenfalls, mal, nicht, nun, nur, ruhig, schließlich, schon, sowieso, überhaupt, übrigens, vielleicht, wohl*.

Модаллик семасини ифодалаб келувчи юкламалар хоҳиш-ирода, гумон-тахмин, ишонч ва бошқа маъноларни англатиб келади.

Немис тилида хоҳиш-иродани англатувчи юкламалар жумласига қуйидагилар киради: *nur, bloß, doch, erst, ja, schon*. Одатда, немис тилида истак-хоҳиш грамматик категориясига мансуб бўлган шарт майли шарт эргаш гапли кўшма гаплар иштирокида руёбга чиқади. Немис юкламашунос олими Г.Вейдтнинг фикрича, агар юклама тушириб қолдирилса, гап ўзининг хитоб ва истак маъно қиррасини йўқотади.<sup>15</sup>

Маълумки, модал феъл ҳисобланган *sollen* буйруқ-истакнинг бажарилиш заруратини англатади. Агар, асосан, буйруқ гапларда учрайдиган *bloss* ва *nur*

<sup>13</sup> Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 44.

<sup>14</sup> Зайнулин М.В. Модальность как функционально-семантическая категория. – Саратов, 1986. – С.45.

<sup>15</sup> Weydt H., Th.Harden. Kleine deutsche Partikellehre. Klett Stuttgart, 1983. – S.141.

юкламалари дарак гапда учраса, у фақат *sollen* модал феъли билан бирга қўлланилиши мумкин. Бунга қуйидагиларни мисол сифатида тақдим этишимиз мумкин:

– *Die Großmutter wurde unruhig: «Ich möchte bloß wissen, was das heißen soll. Jetzt ist es schon 18 Uhr 20. Der Zug müsste doch längst da sein» – Sie lauerten noch ein paar Minuten. Dann schickte die Großmutter das kleine Mädchen fort, sich zu erkundigen.* (Kästner E. Emil und die Detektive, 1994; S.45)

Демак, немис тилида баъзи юкламалар хоҳиш-ирода маъно қиррасини очиб берган ҳолда оптатив тавсифга эга бўлади.

Немис тилида юкламалар *ишонч* модал семасини ҳам англатиши мумкин. *Ишонч* деганда, биз инсон бирор-бир фактни ҳақиқат, чин деб билиши ва унга сўзсиз эътиқод қилишини тушунамиз. *Ишонч* маъно қирраси немис тилида, асосан, *eben/halt* юкламалари ёрдамида реаллаштирилади. Масалан:

– *Einen Schluck für Mama – halt nein, das kann ich ihr nicht antun, nein, nein. Nicht diesen Kaffee. Also noch mal: ein Schluck für Putin, ein Schluck für Clinton, und den Rest des Abwassers schütte ich mir für Bill Gates in den Kopf, der ist schließlich an allem schuld.* (Kaminer W. Frische Goldjungs, 2001; S.145)

Ушбу мисолда *halt* юкламасининг асосий маъноларидан бири бу *ишонч* маъноси бўлиб, суҳбатдошига таъсир ўтказиш мақсадида қўлланган мазкур юклама воқеанинг қандай яқунланишидан қатъи назар, бошқа имкониятлар мавжуд эмаслигини, суҳбат чоғида мурасага келиш мақсадга мувофиқ эканлигини англатмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу юкламалар *ишонч* маъносини англатиш мақсади билан, асосан, буйруқ гапларда қўлланилади. Демак, юқоридаги мисолда *halt* юкламасининг қатъий ишонч семасини англатаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Айтиш жоизки, сўзловчи немис тили юкламалари модал маъноларининг семасини воқелантириши унинг интенциясига бевосита боғлиқдир.

Ўзбек тилида юкламалар моҳиятан турли контекст ва матнларда хилма-хил маъноларни очиб беришга хизмат қилиб, хусусан, улар модал-тасдиқ, даража, кучайтирув ва сусайтирув, гумон, сабаб, сўроқ, шарт, хулоса, талаб, чоғиштирув, инкор, айирув-чегаралов, аниқлик киритиш ва бошқа бир неча функционал-семантик вазифаларни бажаради.

Ўзбек тилида юкламалар семантик маъносига кўра энг кўп қўлланиладиган маъно – бу модал-тасдиқ маъносидир. Ўзбек тилида модал маъноларни англатиш мақсадида кўпгина юкламалар ишлатиб келинмоқда, модалликни англатадиган юкламаларга: *ахир, -ки, -да, -у(-ю), -ку, -чи, -а(-я), ўзи, -э(e), -ай(-эй)* ва бошқалар киради.

-ку юкламасининг модал маъноси, асосан, уч хил жилони англатади:

а) -ку юкламаси кўққисдан амалга оширилган ёки оширилмаган фактни ҳайрат ва савол тусида ифодалайди:

– *А, бу заводди тўхтатиб қўйдинг-ку, укказар! – деди Рахматов тилла тишларини чиройли йилтиратиб.* (Х.Дўстмуҳаммад Қиссалар, 2011: – Б.215)

б) -ку юкламаси зарда, жиғибийронлик, талваса маъносини беради:

– *Ҳамма гўё кўзи ожиз кимса: тутганини қўймайди... Ўзим-чи? Ҳолим*

уларникидан ҳам баттар-ку, ҳамон аросатдаман-ку мен! (У.Ҳамдам Мувозанат, 2007:– Б.49)

с) -ку юкламаси кесатик маъносини англатиши мумкин:

– *Бизнинг ҳолимиздан хабар оладиган кунингиз ҳам бор экан-ку, деб қаршилади улардан бири.* (Х.Дўстмуҳаммад Қиссалар, 2011; Б.40)

Таъкидлаш лозимки, нутқ қай даражада эмоционал ва қўққисдан содир бўлса, -ку юкламаси осон ва қисқалик билан ҳиссиётларни юзага чиқарувчи тил воситаси сифатида намоён бўлади. Демак, шахс нутқи қанчалик эркин, режалаштирилмаган, табиий тарзда тузилса, шунчалик юкламаталаб муҳитга эҳтиёж туғилади ва ушбу вазиятларда -ку юкламаси турли модал маъноларни англатиш учун хизмат қилади.

Немис ва ўзбек тилларида юкламалар бир неча маъноларни юзага чиқариш, яъни полисемантик хусусиятларни ўзида намоён қилади. Бундан ташқари, қиёсланаётган тилларда талаффузи ва ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъно қирраси бир хил ёки яқин бўлган, шунингдек, вазифаси ва маъносига кўра синоним юкламалар мавжуд бўлиб, улар ифодалайдиган маъно нозикликлари доираси анча кенг ва кам даражада фарқлидир. Юкламаларнинг синонимлик белгиси турли даражада (нейтрал, кучли) ифодаланиши мумкин бўлиб, улар ўзаро синонимлик қаторини ҳосил қила олади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг синтактик аспекти”** деб номланган. Мазкур бобда тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўзнинг функционал ва услубий қўлланилишига таъсири масалалари таҳлили амалга оширилган.

Ушбу бобда юкламалар матн таркибида ҳар хил семантик, стилистик, прагматик ва коммуникатив функцияларни бажариш билан бирга, синтактик жиҳатдан ҳам аҳамият касб этади. Уларнинг матн таркибида бажарган бундай функциялари гап таркибида бажариб келган функцияларидан маълум даражада фарқ қилиб, грамматик жиҳатдан боғламаса-да, синтактик жиҳатдан гапларнинг мазмуний боғланишида ўз ўрнига эгадир. Юкламалар коммуникатив марказни юзага келтирувчи воситалар саналади. Зеро, матн нафақат мазмуний, балки структур бутунликка эга бўлиб, бу бутунлик муаллифнинг хабар мазмунига муносабати, ахборотнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва хабарнинг прагматик мақсадидан (установка) келиб чиқади.

Матнлар, ўз структуравий хусусиятларига кўра, икки ёки ундан ортиқ содда ёки қўшма гаплардан иборат бўлиши мумкин. Матнни ташкил этувчи бундай гаплар грамматик жиҳатдан мустақил бўлиб, улар ўзаро умумий мазмун томонидан боғланадилар. Матнларга хос бўлган бундай хусусиятларни юқоридаги мисол асосида изоҳлайдиган бўлсак, битта эргашган қўшма гап ва юкламаларга хос бўлган бундай хусусиятларни қуйидаги мисоллар таркибида ҳам кузатиш мумкин:

– *Sie koennen Ihren Mann ebensowenig besuchen, wie er Sie besuchen kann. Ein solcher Besuch nützt ihm nichts, denn Sie kommen nicht bis zu ihm, und er schadet nur Ihnen»* (Fallada; S.72).

Мисолдан кўринадики, ушбу матн иккита қўшма гапдан ташкил топган,

унинг таркибий қисмлари бир-бири билан ҳам мазмун, ҳам структуравий жиҳатдан боғланган. Улар орасидаги мазмуний алоқадорлик маълум бир умумий ёки ҳаракат ҳолат асосида юзага келади. Бу ерда умумий ёки таянч предмет сифатида *ein Besuch* компоненти келади. *Ein Besuch* компонентининг турли функцияларда ва турли хил шаклларда ифодаланиб келиши, бир томондан, матнга мазмуний бутунлик берса, иккинчи томондан, ушбу матннинг таркибий қисмини ташкил этувчи мустақил гапларнинг бир-бирли билан ҳаракат-ҳолат орқали ўзаро боғланганлигини таъкидлайди.

*Nur* юкламаси ўз табиати билан бирор-бир тасвирланаётган воқеани бошқалардан алоҳида ажратиб, чегаралаб кўрсатиш учун қўлланилади. Шу сабабли ҳам, ёзувчи Квангеллар оилавий ҳаётини тасвирлашда Анна Квангелнинг ўз турмуш ўртоғи Отто Квангелнинг олдига тез-тез бориб туриши бошқалар учун эмас, балки фақат Анна Квангелнинг ўзи учун зарар келтиришини ана шу *nur Ihnen* юкламаси ёрдамида кўрсатишга ҳаракат қилган.

Юкламаларнинг синтактик функциялари шаклланишида уларнинг коммуникатив функциялари ҳам муҳим роль ўйнайди. Коммуникатив марказ қайд этилган мисоллар таркибида юкламаларнинг ремалар орқали ифодаланиши кузатилмоқда, чунки коммуникатив марказни юзага келтирувчи юкламалар ана шу ремалар таркибида келмоқда.

Одатда, коммуникатив функция, гапнинг коммуникатив бўлиниши деганда, биз “тема” ва “рема” тушунчаларига мурожаат қиламиз, чунки рема доимо тема учун коммуникатив марказ ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, тема томонидан берилган ахборот, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ремада ривожлантирилади, конкретлаштирилади, тўлдирилади ва бойитилади. Бироқ таркибида юкламалар учрайдиган матнларда коммуникатив марказ фақат рема таркибида эмас, балки тема таркибида ҳам келиши мумкин.

Баъзи ҳолларда юкламалар матн таркибида ўз лексик-грамматик категориясига хос бўлмаган функцияларда қўлланилади. Ушбу ҳолатни куйидаги мисолда кузатиш мумкин:

– *Ach, nur so. Ich kann Ihnen eventuell sagen, wo sie wohnt. Ich kann Sie auch bis an ihre Wohnung bringen, nur muessten Sie mir auch einen Gefallen tun!* (Fallada; S.189).

Агарда мисолдаги *Ach, nur so* иборасини эътиборсиз қолдирган ҳолда, биринчи қўшма гапни (*ich kann Ihnen eventuell sagen, wo sie wohnt*) тема сифатида танласак, иккинчи қўшма гапни (*Ich kann Sie auch bis an ihre Wohnung bringen, nur muessten Sie mir auch einen Gefallen tun!*) ни эса, рема сифатида қарамоқ керак, чунки унинг таркибида *auch, nur, auch* юкламалари келяпти. *Auch, nur, auch* юкламалари ўз табиати билан фақат шу қўшма гапнинг мазмунини аниқлаб, тўлдириб, бойитиб келмоқда ва бутун матнни мантиқий бутунлик билан таъминламоқда. Агарда ана шу мантиқий бутунликни ҳосил этишда иштирок этувчи ҳукмлардан бирортаси матн таркибидан олинса, у ҳолда ҳукмлар грамматик жиҳатдан тугал бўлса-да, мантиқан нотугал бўлади. Демак, юкламаларга хос бўлган яна бир хусусият – матннинг мантиқий бутунлигини сақлашдир, деган хулоса чиқаришимиз учун етарли асос бор, деб ҳисоблаймиз.

Мисолда кўриниб турганидек, коммуникатив марказ фақат ремада бўлган бўлса, кейингисида эса коммуникатив марказ ҳам темада, ҳам рема таркибида келмоқда. Ушбу матн таркибида биринчи гап, яъни *Frau Rosenthal hat es gar nicht gemerkt* кўпинча асосий ролни ўйнайди, чунки у темани белгилайди. Тема эса бу ерда кейинги келган гаплар учун, яъни рема учун мазмуний ва структурал марказ ҳисобланади ва фикрнинг яна давоми борлигини эслатади. Ушбу фикр эса ремада ойдинлашади, ривожлантирилади. Рема томонидан ифодаланган мазмун асосий, ҳал қилувчи мазмун бўлади. Рема функциясида *Sie hat nur den einen Gedanken moeglichst rasch die Wohnung zu erreichen* гапи келмоқда.

Таҳлил қилинаётган мисол намунасида куйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим: назарий жиҳатдан бундай матнлар таркибидаги биринчи гап, яъни тема кўпинча ахборот маркази ҳисобланади. Бироқ унинг таркибида *gar* юкламаси келганлиги учун у фақат ахборот маркази бўлибгина қолмасдан, балки коммуникатив марказ ҳам ҳисобланади. *Gar* юкламаси феъл-кесим билан ўзаро синтактик муносабатга киришиб, теманинг маъносини кучайтириш учун хизмат қилади, ушбу ҳолатни шу гап таржимасида кузатиш мумкин: *Ҳаттоки Розентал хоним зинапояда ёнгинасидан ўтган кимсани ҳам сезмади.*

Темага хос бўлган бундай хусусият рема таркибида ҳам такрорланади, яъни унинг бутун хаёлини фақатгина ягона бир уйга тезроқ етиб олиш фикри қамраб олган эди. *Gar, nur* юкламаларининг ҳам тема, ҳам рема таркибида келиши, биринчидан, уларнинг коммуникатив маркази ниҳоятда ўзгарувчан эканлигини таъкидласа, иккинчидан эса, уларнинг кучайтирув, сабаб, ажратиш, чегаралаш нозикликларига эга бўлган кўшимча маънолари ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Юкламалар матннинг таркибий қисмлари ҳисобланиши тема ва ремалар оралиғидаги мазмуний ва синтактик алоқаларни ўрнатиш билан бир қаторда, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчанлигини кучайтиради ва ўзига китобхоннинг диққат-эътиборини жалб этади. Бундай ҳолатда юкламалар мунтазам равишда ўзларига хос бўлган синтактик, семантик, коммуникатив ва стилистик функцияларни бир йўла бажариб келади.

Юкламаларнинг у ёки бу функцияни бажаришида маълум грамматик қонуниятлар эмас, балки инсон омили, контекстуал муҳит, юзага келган вазият таъсирлари бирламчидир. Зеро, куйидаги мисол юкламаларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини яққол намоён этади, масалан:

- *Ўшалар ҳам қаноат қилиб ўтирибди-ку, кизим.*
- *Улар эсини еган бўлсалар, мен еганим йўқ! Менинг эсим бор.* (Чўлпон. Кеча ва кундуз, 2000.– Б.198)

Ўзбек тилида юкламалар **немис тилидан фарқли ўлароқ** гапдаги тутган ўрнига кўра пре- пост- ва интерпозициялардан ўрин олиши мумкин.

Ўзбек тилида гапнинг темасига қараганда, рема таркибида юкламалар кўпроқ учрайди. Улар матн мазнунини ривожлантириш билан бир вақтда, матнларга хос бўлган мантикий бутунликнинг юзага келишида муҳим омил бўла олади. Масалан:

- *Менга қаранг, – дедим мен, –жадидлар ҳам: «Бойларнинг ер-суви*



олинсин», дер эмиш-ку? Биров менга шундай деди, жуда шонтириб айтди!– Йўқ, йўқ! Асло. Илгари ҳам айтиб эдим-ку: улар, социалистлар. Жадидлар социалист эмас. Асло! Асло! Эндигина Аҳмадбой Хўсаинов тўзгисиди гапирдим. Шундай одам жадидларнинг отаси саналади. (Чўлпон. Кеча ва кундуз, 2000. – Б.189)

Вербаллашаётган фикрга хос таг маънони намоён эта олувчи юкламалар матннинг маълум қисмининг мазмуний муҳимлигига ва ажралиб туришини кўрсатиш имкониятига эга бўлмоқда. Бироқ бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, юкламалар гапнинг актуал бўлиниши кўрсаткичлари саналса-да, уларнинг ҳар бири бу жараёнда иштирок этиши ҳам, иштирок этмаслиги ҳам мумкин.

Юқоридаги таҳлилдан маълум бўлдики, рема вазифасида юкламаларнинг тўлиқ гуруҳидан бир қисми иштирок этиши мумкин. Бунинг сабаби шуки, юкламаларнинг функциялари кўпроқ нутқ тизими билан, коммуникация жараёни билан боғлиқдир.

Немис тилида учраган сўз тартибидаги феълларга хос стабиллик ўзбек тилига ҳам қисман хосдир. Зеро, ўзбек тилида феъл гапнинг охиридан барқарор равишда ўрин олади. Шу боис қиёсланаётган тилларда юкламаларнинг позициялари турличалик касб этади.

Немис тилидаги юкламалар, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, асосан, интер ва пост позициялардан ўрин олиши мумкин. Бу ҳолда дарак ва сўроқ гапларда немис тилидаги барча юкламалар интерпозицияда қўлланади. Бунинг сабаби шундаки, немис тилида гаплар ромли тузилма асосида тузилади – ҳар бир гап бўлаги ўз қатъий ўрнига эга. Мазкур ҳолатни, айниқса, феъл мисолида кўришимиз мумкин, юкламалар эса феълнинг ён атрофида жойлашади ва бу ҳолат немис тилидаги юкламаларнинг интерпозицияда қўлланилиши дейилади.

Постпозицияда эса, юкламалар, асосан, буйруқ гапларда қўлланилиб, гапнинг охирида келади. Бундай юкламаларга *doch, denn, mal, schon* каби юкламалар киради.

Ўзбек тилида эса юкламалар аксарият ҳолда пре ва пост позициялардан ташқари, интерпозицияда ҳам қўлланилади.

Ўзбек тилида гап таркибида юкламалар қайси бўлак билан боғланса (тема ёки рема), ўша бўлак мантиқий урғу олиб актуаллашади ва пресуппозиция ҳам актуаллашган бўлак асосида англашилади. Ушбу жараён юкламали коммуникатив марказнинг ҳаракатчанлигини таъминлайди. Немис тилида эса юкламалар аксарият ҳолатларда урғуга эга эмас.

Ўзбек тилида юкламалар тиниш белгиларини қўйиш қондасига мувофиқ, чизиқча ва вергул ёрдамида ажратилади, немис тилида эса бундай хусусият нисбатан кам учрайди. Немис тили мисолларида юкламалар фонетик ва пунктуацион жиҳатдан ажратилмади. Улар, асосан, қатъий грамматик вазифаларни бажариб келиши аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Немис ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг стилистик аспекти”** деб номланган.

Маълумки, тилшуносликда услубий бўёқдорлик икки турга бўлинади:

- 1) функционал услубий бўёқдорлик;
- 2) эмоционал-экспрессив услубий бўёқдорлик.

Тил бирликларининг услубий бўёқдорлиги луғатларда махсус услубий белгилар ёрдамида берилади. Эмоционал-экспрессивлик ифодалилик саналиб, сўзловчининг ички ва ташқи таъсирларга нисбатан субъектив реакциясидир. У, асосан, салбий, яъни кўрқув, ғазаб ифода шаклида ва ижобий қониқиш, қувонч ифода шаклларида намоён бўлади.

Юкламаларнинг услубий бўёқдорлиги немис ва ўзбек тиллари луғатларида тегишли услубий белгилар тизими ёрдамида ўз аксини топади.

Тадқиқимиз давомида юкламалар стилистик аспектидаги белгилар системасининг қуйидаги турларини кузатдик. Тил бирликларининг функционал-услубий бўёқдорлигини кўрсатадиган белгилар:

**Немис тилида қўлланилган шартли белгилар тизими:**

**Функционал-услубий белгилар:** *ugs.* (umgangssprachlig), *bes. südd., österr., schweiz.* (Süddeutschland), *poet.* (poetisch), *gesp.* (gesprochen), *dialog.* (dialogisch).

**Эмоционал-экспрессив услубий белгилар:** *iron.*(ironisch),

Ўзбек тилида қўлланиладиган шартли белгилар тизими:

**Функционал-услубий белгилар:** *с.т.* (сўзлашув тили), *поэт.* (поэзияда ишлатиладиган сўз), *сўзл.* (сўзлашув), *кт.* (китобий).

**Эмоционал-экспрессив белгилар:** *эрк.* (эркалаш), *кест.* (кесатик), *эмоц.* (эмоционал), *экспр.* (экспрессив).

Немис тилига оид луғатларда замон характеристикасини ўзида акс эттирадиган баъзи бир белгилар, шунингдек, ҳудудийликка тегишли *Bes. südd., österr., schweiz.* ва *Bes. Süddt.* белгилари учради.

Ўзбек тилидаги кўп сонли юкламалар одатий ҳолатларда функционал-стилистик жиҳатдан нейтрал қўлланишига қарамасдан, китобий услубга хос бўлган юкламалар ҳам учрайди. Ўзбек тилида китобий услубга хос бўлган юкламалар қаторига *башарти*, *шояд*, *бамисоли*, *эса*, *гар*, *магар* ва бошқалар киради. Масалан, *бамисоли* сўзи қай бир сўз туркумига қарашли эканлиги аниқ бўлмаган эскирган сўздир.<sup>16</sup> О.Базаров *эса* уни юклама сифатида талқин қилиб,<sup>17</sup> *мисли*, *мисоли* шаклларига эга эканлигини таъкидлайди. *Бамисоли* юкламаси ўзбек тилига форс-тожик тилидан кириб келган сўз саналиб, ўхшашлик ва айнанлик маъносини англатади ва китобий услубда қўлланилиши билан ажралиб туради. Масалан:

– *Афсуски, тенгдошлари катталардан баттар тош эди, уни мутлақо тушунишмади. Оқибатда, бутун ҳис-тўйгулари ичида димланиб қолаверганиданми, бола дағал тортди. Бамисоли шаффоф булоқ кўзини тошлар босди, бекитди, ўзга нигоҳлардан пана қилди* (Н.Норқобилов Тоғдаги ёлғиз одам, 2009. – Б.14).

